



Татаристон мусулмонлар диний идораси (МДИ) Чистопол мухтасибати тармок магазинларида халол товарларни текшириш билан шугулланадиган «Халол патрул» ташкил килди. Хозирда патрул 15 нафар мусулмондан иборат. «Хозирги кунгача 19 та жой текширилди», - хабар килади МДИ.

Патруль шунингдек, умумий овкатланиш муассасаларини хам текширмокчи. Патрул катнашчилари дастлаб Татаристон МДИ «Халол» стандарти бўйича кўмита ва мухтасибат томонидан ташкил килинган «халол» ва «харом» тушунчалари бўйича курсаларда ўқидилар. Патрул таркиби якин кунларда кучайтирилиши кўзда тутилмокда – мухтасибат янги хохловчиларни рўйхатдан ўтказди.

